

# МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЙ



**Илимий-методикалық журнал**

**2024**

**3/2-сан**

*Озбекстан Республикасы Министрлер Кабинети жасындағы  
Жоқарғы Аттестация Комиссиясы Президиумының  
25.10.2007 жыл (№138) қарапы менен дизимге алынды*

*Қарақалпақстан Баспа соз ҳәм хабар агентлиги тәрепинен  
2007-жылды 14-февральдан дизимге алынды.  
№01-044-санлы гүйалық берилген.*

Нөкис

**3/2-сан 2024**

**июнь**

**Шолкемлестириүшилдер:**

*Қарақалпақстан Республикасы Халық билимлендіриү Министрлиги,  
ӨЗПИИИ Қарақалпақстан филиалы*


**Редактор:**

**А. Тилегенов**

**Редколлегия ағзалары:**

Мақсет АЙЫМБЕТОВ  
Нағмет АЙЫМБЕТОВ  
Айтмурат АЛЬНИЯЗОВ  
Сапардурды АБАЕВ  
Адхамжон АБДУРАШИТОВ  
Хайрулла АЛЯМИНОВ  
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ  
Алишер Алламуратов  
Дилшодхұјжа АЙТБАЕВ  
Интизар АБДИРИМОВА  
Тұлқин АЛЛАЁРОВ  
Мариғжон АХМЕДОВ  
Умида БАҲАДИРОВА  
Фарҳад БАБАШЕВ  
Ботир БОЙМЕТОВ  
Гулзода БОЙМУРОДОВА  
Шахло БОТИРОВА  
Маманазар ДЖУМАЕВ  
Асқар ДЖУМАШЕВ  
Мухтар ЕРМЕКБАЕВ (Шымкент,  
Қазакстан)  
Алишер ЖУМАНОВ  
Гүлнара ЖУМАШЕВА  
Холбой ИБРАГИМОВ  
Шохидә ИСТАМОВА  
Умида ИБРАГИМОВА  
Лола ИСРОИЛОВА  
Алима КЕНЖЕБАЕВА (Тараз,  
Қазакстан)  
Ярмухаммат МАДАЛИЕВ (Шымкент,  
Қазакстан)  
Меруерт ПАЗЫЛОВА  
Асқарбай НИЯЗОВ  
Сабит НУРЖАНОВ  
Захия НАРИМБЕТОВА

Хушбек НОРБҮТАЕВ  
Улфат МАҲКАМОВ  
Уролбой МИРСАНОВ  
Сафо МАТЧОН  
Шукурилло МАРДОНОВ  
Камаладин МАТЯКУБОВ  
Арзы ПАЗЫЛОВ  
Барлықбай ПРЕНОВ  
Раъно ОРИПОВА  
Бахтиёр РАХИМОВ  
Фуркат РАЖАБОВ  
Светлана СМИРНОВА (Москва, Россия)  
Дилшода САПАРБАЕВА  
Феруза САПАЕВА  
Зайниддин САНАҚУЛОВ  
Қаххор ТУРСУНОВ  
Амина ТЕМИРБЕКОВА  
Нурзода ТОШЕВА  
Куанишбек ТУРЕКЕЕВ  
Тажибай УТЕБАЕВ  
Амангелди УТЕПБЕРГЕНОВ  
Мамбеткерим ҚУДАЙБЕРГЕНОВ  
Амангелди КАМАЛОВ  
Воҳид КАРАЕВ  
Гулмира ҚАРЛЫБАЕВА  
Ризамат ШОДИЕВ  
Зафар ЧОРШАНБИЕВ  
Рустам ФАЙЗУЛЛАЕВ  
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ  
Тармиза ХУРВАЛИЕВА  
Умид ҲОДЖАМҚУЛОВ  
Жавлонбек ҲУДОЙБЕРГЕНОВ  
Гулрухсөр ЭРГАШЕВА  
Гавхар ЭШЧАНОВА  
Қонысбай ЮСУПОВ



## МАЗМУНЫ

## ТИЛ ҲӘМ ӘДЕБИЯТ

Safo Matjon. Shukur Sa'dulla she'riyatida so'z dinamikasi va estetik ta'sirchanlik .....	7
Suyunov B.T., Shofqorov A.M. So'zlarda ma'no taraqqiyoti va tibbiy terminlar semantikasi .....	12
Abduqahhorova X.A. Tarixga oid terminlar va ularning yasalishi .....	21
Жарасбаев Н.А. Түркі халықтары фольклорындағы ортақ сарындардың зерттелуі жайынан .....	25
Дусбаева Н.Н. Грамматическая интерференция в речи студентов изучение языка .....	34

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Radjapov U.R., Xakimdjanova K., Sabirov S. A., Omarov T. O'qituvchilarning raqamli kompetensiyalarini rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlari .....	39
Лафасов Б.Ж. Тарабаларнинг касбий тайёргарлигини педагогик кластер ёндашув асосида тақомиллаштиришда малакавий педагогик амалиётнинг ўрни .....	47
Суяров А.М. Инновацион ёндашув асосида таълим муассасасида бошқарув фаолиятини ташкил этиш шарт-шароитлари .....	55
Muxammadiyev Q.S. Pedagogik innovatsion klaster tizimida kasbga yo'naltirishning nazariy asosi .....	60
Baxtiyorova S.I., Ganjayeva Z.O. Oly ta'lim muassasalarida o'quv jarayoni samaradorligini oshirishning klaster texnologiyalari .....	65
Qodirova N.Z. O'quvchi shaxsiga yo'naltirilgan o'quv-biluv jarayonida o'qituvchining faoliyati .....	71
Urunova D. M. Jamiyatda inklyuzivlik sharoitida inklyuziv madaniyatni oshirish asoslari .....	80
Xalimov Z.X. Professional ta'limda va kasb-hunar o'rgatishda baholash va sertifikatlashning roli .....	85
Турдиев Ж.Р. Тарабаларнинг ижтимоий компетентлигини индивидуал ёндашув асосида ривожлантиришнинг педагогик жиҳатлари .....	89
Komilova Sh.R. Oly ta'limda raqamli texnologiyalarning o'rni va ahamiyati .....	94
Qurbanmurotov E.A. O'quv jarayonida tabiiy fanlarni fanlararo bog'lab o'qitish texnologiyasi .....	100
Файзуллаев Р.Х., Сайфиева Ю.Ў. Олий таълим муассасаларида тарабаларнинг мустақил таълим олиш кўнималарини шаклланишида ўқитувчи ва талаба муносабатлари .....	104
Рахматуллаева Д., Рахматов Я. Таълимни ракамлаштириш асосида профессионал таълим тизимининг ўқитиш сифатини ошириш омиллари .....	111
Xalimov Z.X. Professional ta'limda va kasb-hunar o'rgatishda baholash va sertifikatlashning roli .....	118
Amanova M.A. Professional ta'lim mazmunini integrativ-modulli yondashuv asosida takomillashtirish .....	122
Amanova M.A. Professional ta'lim muassasalarida integrativ-modulli yondashuv asosida "50810101-qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash va servisi texnik texnologii" kasbi o'quvchilarning umumiyligi tayyorgarligini rivojlantirishning metodik ta'minotini takomillashtirish .....	127
Karimova M.B. Tashkilotni boshqarishda ayol va erkak rahbarlarning liderlik masalasi .....	137
Бахтиёроп Б. Б. Раҳбар психология компетентлигини ўрганишнинг илмий-назарий асослари .....	142
O'rinovali U.A., Raxmatova D.S. Talabalarni kasbiy kompetentligini rivojlantirish mazmuni .....	153
Ro'ziyeva Z.S. Pedagog kasbiy kompetentligi va emotsiyal jarayonlarining ijtimoiy psixologik xususiyatlari .....	160
Mirzakulova N.I. Oly ta'lim muassasalarini talabalarida kasbiy malakani shakllantirishda pedagogik amaliyotning o'rni va ahamiyati hamda takomillashtirish yo'nalishlari .....	166
Ergasheva G.S. Bo'lajak biologiya o'qituvchisining kasbiy-metodik tayyorgarligiga qo'yiladigan zamonaliv talablar .....	174



<b>Qodirov X.O., Maylonova D.Sh.</b> Talabalarning kasbiy-ijodiy kompetensiyalarni rivojlantirishning usul va vositalari .....	182
<b>Madiyeva G.A.</b> Tarbiya jarayoni va uning mohiyati hamda tarbiya qonuniyatları .....	186
<b>Yakubov F.U.</b> Individual yondashuv asosida bo'lajak muhandislarning xorijiy tillarni bilish kompetentligini rivojlantirish .....	190
<b>Usmonova M.S.</b> Interaktiv o'qitish oliv ta'lim muassasalarida kasbiy faoliyatga tayyorlash .....	195
<b>Jumanov A.M., Sodikov M.U.</b> Umumiy o'rta ta'lim maktablarining maktabning 7-sinf kimyo fanidan ayrim mavzularni o'qitishda sinxron fanlararo aloqadorlikni amalga oshirish metodikasi .....	200
<b>Maxmudova D.B.</b> Talabalarda o'z-o'zini mustaqil rivojlantirish motivasiyasini shakllantirish - ijtimoiy pedagogik zaruriyat sifatida .....	207
<b>Odiljanova G.I.</b> Umumiy o'rta ta'lim muassasalarida pedagogik jarayonlarni tashkil etish va boshqarish .....	221
<b>Jo'rayeva G.A., Qurbanov M.O.</b> Bugungi kun pedagogik va zamonaviy ta'lim tizmi .....	228
<b>Begmatova S.N., Bo'riyev F.</b> Jahon tarbiya konsepsiyalari .....	233
<b>Мукумова Д.И., Ризаева Ш.А., Курбанова М.О.</b> Проблема социально-педагогической адаптации студентов .....	239
<b>Ташева С.Р.</b> Характеристика ключевых научёмких понятий в менеджменте совместных образовательных программ .....	246
<b>Сарiev Р.Б.</b> Интерактивные элементы в дистанционном обучении: преображение современного образования .....	250
<b>Kadirova N.</b> Professional competence in modern educational conditions .....	257

## МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲӘМ РУӦХЙЫЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

<b>Miraxmedova Sh.N.</b> Virtual o'yinlarning yoshlar ongiga salbiy ta'siri .....	262
<b>Toshtemirov R. A.</b> Globallashuv jarayonida axborot xavfsizligi .....	267
<b>Эшқувватова М.Қ., Жумаева Ш.Б.</b> Глобализацион жараёнларда зиёратгоҳлардаги ўзгаришлар ва янгиланишлар .....	271
<b>Altiboyev Y.E.</b> Buxoro vohasining amir temur davlati vujudga kelishi jarayonidagi o'rni va keyingi davrlardagi ahamiyati .....	276
<b>Botirova Sh.I.</b> Qissa janrning noan'anaga o'tish tamoyillari .....	280
<b>Туганова Л. Дж.</b> Философско - теоретические основы анализа профессиональной этики юриста .....	285

## ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

<b>Mahmudova Ch.I.</b> Bo'lajak geografiya o'qituvchilarining kompetensiyalarini rivojlantirish tamoyillari .....	290
<b>Yo'ldashev U.X.</b> Axborot-ta'lim muhitining rivojlanishning o'ziga xos jihatlari .....	299
<b>Protasov Yo.Yo., Jo'rayev A.R.</b> Zamonaviy ta'lim jarayonida robototexnikaning rivojlanishi va vujudga kelish tarixi .....	304
<b>Xudayberdiyev Sh.K.</b> Dasturlash tillaridan professional tayyorgarlikni rivojlantirishning shakllari, metodlari, dasuriy vositalari .....	314
<b>Бекнозарова З.Ф.</b> Компетентли ёндашув асосида физикадан таълим бериш – мұхандислик йұналиши талабаларини касбий компетентлигини шакллантириш омили .....	322
<b>Janabergenova G.</b> Bo'lajak fizik o'qituvchilarining analitik fikrlashini rivojlantiruvchi o'quv maqsadlarini belgilashda dialektik yondashuv .....	329
<b>Бекнозарова З.Ф.</b> Бўлажак мұхандисларда касбий компетентликни шакллантиришда физика ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари .....	337
<b>Janabergenova G.</b> Ta'limda dialektik yondashuv asosida analitik fikrlashini rivojlantirishning nazariy-metodologik asoslari .....	342



## КОМПЕТЕНТЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА ФИЗИКАДАН ТАЪЛИМ БЕРИШ – МУХАНДИСЛИК ЙӮНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛИ

**Бекнозарова З.Ф.**  
“ТИКХММИ” МТУ в.б. доценти

**Таянч сүзлар:** мұхандис, гидроэнергетик, интерактив, компетенция, технология, инновация, метод.

**Ключевые слова:** инженер, гидроэнергетические, интерактив, компетенция, технология, инновация, метод.

**Key words:** engineer, hydropower, interactive, competence, technology, innovation, method.

Бўлажак мұхандисларнинг касбий компетентлиги ва рақобатбардошлигини ривожлантириш уларни олий таълим йўналишини танлаш, мұхандислик йўналишига бўлган қизиқишлари ошириш, умумий қилиб айтганда профиориентация жараёнидан бошланиши керак. Ўқишига киргач эса, умумтаълим ва мутахассислик фанларини ўқитиш асосида касбий компетенцияларни шакллантиришга қаратилган таълим амалга оширилиши керак. Бу ҳолатда фундаментал таълим (физика) мұхим аҳамиятга эга, чунки келажакда касбий фаолият билан шуғулланиш даврида мұхандислик муаммоларини ҳал қилишда физика, математика, дастурлаш, машина деталлари, назарий механика каби фанлардан олган билимларни амалиётга қўллаш, тажриба ва ҳисоблаш масалаларини ечиш асосида касбий фаолиятида учрайдиган ҳолатларга мобиллиги таъминланиши лозим.

Шу маънода “ТИКХММИ” Миллий тадқиқотлар университетида таҳсил олаётган бўлажак мұхандисларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёни нафакат маълум микдорда назарий билимга эга бўлган мутахассисни, балки кенг дунёқарашли, ижодий фикрлашга, ўз-устида ишлаш қобилияти, ўз-ўзини ривожлантириш қобилиятини, зарурий касбий компетенцияларини шакллантиришдан иборат бўлади [1]. Бўлажак мұхандисларни тайёрлашда



эътибор қаратиладиган асосий жиҳатлардан яна бири таълим жараёнини мустақил ташкил этиш ҳисобланади. Яъни, муҳандиснинг рақобатбардошлиги қўп жиҳатдан унинг касбий муаммоларга мустақил ва ижодий ёндашиш қобилияти билан белгиланади. Шунинг учун ҳам физикадан билим олишнинг асосий усулига асосланган ва талабаларнинг мустақил ўрганиш қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълим методлари ва педагогик технологиялар катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда олий таълим беришнинг икки мақсади мавжуд: талабаларга мустаҳкам билим, қўникма ва малакалар бериш ҳамда муҳандислик соҳасида муваффақиятли ишга жойлашиш учун зарур бўлган зарурий касбий компетенциялар мажмуини шакллантириш.

Физикани ўқитиш жараёнида талабаларни нафакат назарий маълумотлар билан таъминлаш, балки уларни касбий компетенцияларини шакллантириш ҳам муҳим, улар ўрганилган мавзуни таҳлил қиласи, синтез қиласи, умумлаштиради, формаллаштиради, моделлаштиради, дастурлайди, автоматлаштиради ва касбий муаммоларини ҳал қилиш жараёнида касбий фаолиятнинг тегишли соҳаларига, ирригация ва мелиорация соҳасига татбиқ этилади.

Тадқиқотимиз доирасида бўлажак муҳандиснинг зарурий касбий компетенцияларини шакллантириш физика, математика, умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўрганиш, янги орттехника ва муҳандислик технологияларни ўзлаштириш бўйича фундаментал асос бўлган касбий муаммоларни ҳал қилиш орқали аниқлаймиз. Бу ҳолатда энг катта қизиқиш амалий машғулотлар билан ифодаланади, чунки улар маъруза, лаборатория иши, мажбурий мустақил иш ва тўгарак элементларини ўз ичига олиши мумкин. Бундан ташқари, амалий машғулотларда асосий фаолият бўлажак ирригация ва мелиорация муҳандислик фаолиятини моделлаштиришни англатувчи касбий муаммоларни ҳал қилишдир. Бинобарин, физика курсидаги амалий машғулотлар муҳандиснинг зарурий касбий компетенцияларини шакллантириш учун катта имкониятларга эга.

Физикадан амалий машғулотларда зарурий касбий компетенцияларни шакллантириш учун профессор-ўқитувчи қуидаги педагогик шакллардан фойдаланиши мумкин: сұхбат, сўровнома, индивидуал лойиха, мустақил ишларни бажариш, оралиқ баҳолаш, кейс-стади, ассисмент, кластер ва бошқалар. Бўлажак муҳандисларда зарурий касбий компетенцияларни шакллантириш учун физикадан касбий муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган таълим бериш жараёни етарлича ўрганилмаганлиги учун ҳам биз олиб бораётган тадқиқотимиз доирасида физиковий масалаларнинг ҳар хил турлари ҳамда уларни тизимли, методологик, компетентли ёндашувлар



ҳамда узвийлик, узлуксизлик, фанлараро интеграцион үқитиши тамойиллари нұқтаи назаридан ҳал этиш йўлларини кўриб чиқишни лозим деб ҳисоблаймиз.

Физикадан касбга йўналтирилган муаммоларни ҳал қилиш ҳар хил мұхандислик фикрлаш турларини, талабаларнинг касбий компетенцияларини шакллантиришга ёрдам беради, физикадан назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини материалнинг турли мазмунидан фойдаланишга таъсир қиласи ва шунинг учун бўлажак мұхандиснинг зарурий касбий компетенцияларини шакллантиришга мўлжалланган. Масалан, касбий муаммоли масалалар ва касбий-ижодий вазифаларни ҳал этиш физикадан олинган билимларни мустақил қўллашга қаратилган бўлиб, таҳлил қилиш, синтез қилиш, умумлаштириш, формаллаштириш ва моделлаштириш, қарор қабул қилиш, режалаштириш ва мустақил равишда жавоб олишнинг янги йўлларини қидириш қобилиятини ривожлантиради, шунинг учун улардан коммуникатив, когнитив ва алгоритмик компетенцияларни шакллантириш учун фойдаланиш маъқулроқ.

Физикадан касбий вазифаларни таснифлаш шарт, чунки касбий муаммо ва касбий-ижодий вазифа ўргасида аниқ чегара йўқ ва бу турдаги стандартт ёки ўқув вазифаларидан бутунлай ажратиб бўлмайди, чунки турли раками мәйлумотлар билан мутлақо бир хил касбий вазифалар касбий-ижодий ёки муаммо компонентига эга эмас. Бироқ, физикадан таълим жараёнида билимлар профессор-ўқитувчига ҳар бир гурӯҳ ва ҳар бир талабанинг индивидуал ва касбий тайёргарлигини аникроқ фарқлаши учун зарур. Шуни таъкидлаш керакки, лойиҳалаш, конструкциялаш ва тадқиқотчилик элементлари бўлган таълим вазифалари нафақат талабалар учун мақсадга мувофиқ бўлгандагина физиковий фикрлашни ривожлантиради, яъни талабалар бундай касбий муаммоларни ечишга назарий ва амалий жиҳатдан тайёрланиб, уларни ечимини топа оладилар.

Шундай қилиб, касбга йўналтирилган физиковий масалаларни ечиш жараёни бўлажак мұхандислар томонидан касбий фаолиятда ишлаб чиқариш, лойиҳалаш ва конструкциялаш каби масалаларини ҳал қилишда фойдаланилади.

Физика курсида мұхандислик масаласини ечишнинг тажрибавий ва амалий босқичлари давомида масала шартига киритилган ва киритилмаган миқдорлар орасидаги боғланишлар амалга оширилади, керакли ўлчов ишлари, алгоритмлаш, моделлаштириш ва математик ҳисоблашлар бажарилади. Физика курсининг амалий ва лаборатория машғулотларида талабалар маълум мавзу ёки бўлимни ўзлаштиришнинг дастлабки босқичларида тайёр ечим алгоритмларидан фойдаланадилар ва кейинчалик мураккаброқ



касбга йўналтирилган масалаларни ечиш йўлини мустақил ўзлари белгилайдилар. Натижада физика курсида касбий муаммоларини ечишда талабалар ўз касбий фаолиятида муҳандис учун зарур бўлган лойиҳалаш, кострукциялаш, тадқиқотчилик, ишлаб чиқариш ва созлаш, бошқарув ва тадқиқотчилик компетенциялари шаклланади. Натижа олингандан сўнг муҳандислик масалани ечишнинг рефлексив босқичи юзага келади, унда натижаларни таҳлилий ва математик текшириш амалга оширилади.


Педагогик амалиёт шуни кўрсатадики, физикадан амалий дарсда касбий муаммоли масалаларни ечишнинг анъанавий ва ноанъанавий усулларидан фойдаланилганда, кўпчилик талабалар мунозарада тингловчи сифатида пассив иштирок этадилар ёки ечим излашда умуман иштирок этмайдилар. Бунда асосий касбий компетенцияларни ривожлантириш қийин бўлади. Профессор-ўқитувчи талабалар груҳида факат когнитив компетентликни яъни билим компоненти факат мунозарафа ол бўлган талабалар учун паст даражада шакллантириши мумкин, чунки мустақил касбий муаммоларни ҳал қилиш билан кўпчилик талабалар факат тайёр ечимни доскадан ёзиб олади. Бу эса кўриниб турганидек, керакли натижага эришишга қаршилик кўрсатади. Физикадан масалалар ечиш жараёнини анъанавий ва ноъанавий нуқтаи назардан ўрганиб, олимлар қўйидагиларни аниқлайдилар: 1) анъанавий; 2) ноъанавий; 3) алгоритмик; 4) эвристик [2-4].

Тадқиқот жараёнида муаммони ҳал этиш усулларига компетентли ёндашуви схемаси ишлаб чиқилди (1-расм).

Бизнинг фикримизча, зарурий касбий компетенцияларни шакллантириш мақсадида бўлажак муҳандислар аввало физикавий масалаларни ечиш учун умумлашган қобилиятларни, яъни алгоритмлаш, моделлаштириш, автоматлаштириш қобилиятларини ривожлантиришлари лозим.

Бўлажак муҳандисларнинг зарурий касбий компетенцияларини шакллантириш воситаси сифатида умумий физика курси бўйича касбий вазифаларини таҳлил қилиш асосида амалий ва лаборатория машғулотлар учун вазифаларни танлашга қўйиладиган асосий талабларни аниқлаймиз:

1. Вазифанинг муҳандислик соҳасидаги билимларни талаб қилинадиган даражасига мувофиқлиги. Педагогик, психологик ва илмий адабиётларда билимларни ўзлаштириш даражаларининг бир нечта таснифи мавжуд: 1) тайёр билимларни кўрсата олиш даражаси; 2) ностандарт вазиятларда билимларни қўллай олиш даражаси; 3) касбий муаммоли вазиятларда билимларни қўллай олиш даражаси [5]. Шундай қилиб, билимнинг етарли даражаси когнитив-таҳлилий, ахборот-математик, лойиҳавий, конструкторлик ва тадқиқотчилик каби зарурий касбий компетенцияларни шакллантиришга мос келади. Агар талаба ўртача даражадаги физик масалаларни ечиш қо-



1-расм. Таълим мұаммоларини компетентли ёндашуви нұқтаи назаридан ечишига үргатиши усууллари

билиятига эга бўлса, бу қогнитив-таҳлилий, ахборот-математик компетентликнинг ривожланишини кўрсатади, лекин касбий тайёргарлик даражасида лойиха, тадқиқот ва конструкторлик компетенциялар ривожланади. Агар талаба эгаллаган билимлардан касбий фаолиятда кўллай олса, қогнитив компетентлигини шаклланганлиги ҳақида гапириш мумкин.

2. Амалий ва лаборатория машғулотларида сифат ва ҳисоблаш таркиби-нинг оптималь комбинацияси. Талабалар мавзуга формаллаштириш муносабатда бўлмасликлари учун физиковий ҳодиса ва жараёнларнинг сифат тавсифига етарли эътибор бериш керак, бу эса келгусида олинган жавобни янада мазмунли ҳисоблаш ва таҳлил қилиш имконини беради. Бундан ташқари, фундаментал, умумкасбий ва ихтисослик фанларнинг бошка



соҳалари билан ўзаро алоқаларни олиб бориш, бу муаммонинг ечимини касбий фаолиятида қандай ишлатиш мумкинлигини кўрсатиш лозим.

3. Муаммоли касбий вазифаларнинг дифференциаллашганлиги. Амалий ва лаборатория машғулотларда ўртacha мураккабликдаги касбий муаммоларни кўриб чиқиш маъқулроқдир, аммо талабалар учун дифференциал ва шахсий ёндашувда турли мураккабликдаги касбий муаммоларни ҳал қилишни ўз ичига олади, шунинг учун гурухнинг касбий тайёргарлигига ва алоҳида талабаларнинг қобилиятига қараб, барча қобилиятларни ривожлантиради.

Шундай қилиб, умумий физика курсини ўқитиш жараёнида бўлажак ирригация тизимларида гидроэнергетика йўналиши талабаларининг касбий компетентлигини шакллантириш компетентли ёндашувга асосланиши керақ, чунки касбий муаммоларни ҳал қилиш талабаларнинг келажакдаги касбий фаолиятининг асосий туридир. Касбий муаммоли вазифаларни тўғри танлаш, жавоб топишнинг тегишли усуллари, ечишнинг умумлаштирилган (алгоритмлаш, моделлаштириш, лойиҳалаш, визуаллаштириш, автоматлаштириш) усулларидан фойдаланиш ва шунга мос равишда зарур ахборий-дидактик таъминотни ишлаб чиқиш профессор-ўқитувчига физикадан маъруза, амалий, лаборатория, тўгарак ва мустақил таълим машғулотларида талабаларнинг зарурий касбий компетенцияларини шакллантиришга имкон беради.

Биз таклиф қилган педагогик технологиялар мажмуи физика бўйича билим ва кўникмалар асосида касбий йўналтирилган муаммоларни ҳал қилиш, улардан улардан умумкасбий ва ихтисослик фанларда фойдаланиш, физика курсининг якуний босқичида эмас, балки бутун мавзу бўйича қўлланилиши; турли кўринишдаги физикадан берилган топшириқларни ечиш орқали амалга оширилади. Педагогик технологиялар мажмуи физика ўқитишни ва фундаментал билимларни касбий фаолиятда қўллашни бирлаштириш имконини беради.

#### Адабиётлар:

1. Бабанский Ю.К. Избранные педагогические труды. – М.: Педагогика, 1989. - 574 с.
2. Клещева Н.А., и др. Перспективные направления совершенствования процесса обучения в техническом вузе : учеб.-метод. Пособие.– Владивосток: Изд-во ДВГТУ, 2007. – 137 с.
3. Кодикова Е.С. Формирование исследовательских экспериментальных умений у учащихся основной школы при обучении физике. Дис. ... канд. пед. наук: Москва, 2000. 220 с.
4. Королев М.Ю. Методическая система обучения методу моделирования студентов естественнонаучных и математических направлений подготовки в педвузах: (теория и методика обучения и воспитания): док. пед. наук: Моск. гос. ин-т. – М., 2012. – 501с.
5. Большой энциклопедический словарь – 2-е изд., перераб. И доп. – М.: Гл.ред. А.М. Прохоров. М.: науч. Изд-во «Большая российская энциклопедия», С-Пб. «Норинг», 2002. – 1456 с